

VOLUME 2, ISSUE 1

ISSN: 2181-0788

DOI: 10.26739/2181-0788

www.tadqiqot.uz

IJC

INTERNATIONAL JOURNAL OF CONSENSUS

KONSENSUS XALQARO JURNALI



2020

KONSENSUS XALQARO JURNALI
INTERNATIONAL JOURNAL OF CONSENSUS
№2 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-0788-2020-2>

Bosh muharrir:
Chief Editor:

Jo'rayev Narzulla Qosimovich
Siyosiy fanlar doktori, professor,
O'zbekiston Respublikasi

Bosh muharrir o'rinbosari:
Deputy Chief Editor:

Saidov Sanjar Shavkatovich
Siyosiy fanlar bo'yicha falsafa doktori
(PhD), O'zbekiston Respublikasi

KONSENSUS XALQARO JURNALI TAHRIRIY MASLAHAT KENGASHI
EDITORIAL BOARD OF THE INTERNATIONAL JOURNAL OF CONSENSUS

Alimardonov To'lqin
Siyosiy fanlar doktori, professor,
O'zbekiston Respublikasi

Anita Sengupta
Siyosiy fanlar doktori, professor
Hindiston Respublikasi

Baydarov Erkin Ulanovich
Falsafa fanlari nomzodi, professor,
Qozog'iston Respublikasi

Farmonov Rahmon Farmonovich
Tarix fanlari doktori, professor,
O'zbekiston Respublikasi

Jo'rayev Sayfiddin
Siyosiy fanlar doktori, professor,
O'zbekiston Respublikasi

Jennifer Murtazashvili
Siyosiy fanlar doktori, professor
Amerika Qo'shma Shtatlari

Mamadazimov Abdugani
Siyosiy fanlar nomzodi, dotsent,
Tojikiston Respublikasi

Madayeva Shaxnoza Amanullayevna
Falsafa fanlar doktori, professor,
O'zbekiston Respublikasi

Mas'ul kotib | Responsible secretary:
Zamonov Zokir Turg'unovich
PhD, O'zbekiston Respublikasi

Nurmatova Gulsayra Asanovna
Siyosiy fanlar doktori, professor,
Qirg'iziston Respublikasi

Qirg'izboyev Muqimjon
Siyosiy fanlar doktori, professor,
O'zbekiston Respublikasi

Qo'chqorov Vahob Hoshimovich
Siyosiy fanlar doktori, professor,
O'zbekiston Respublikasi

Qodirov Anvar Kaxxarovich
Falsafa fanlar doktori, professor,
O'zbekiston Respublikasi

Turayev Baxtiyor
falsafa fanlari doktori,
O'zbekiston Respublikasi

Tolipov Farxod Fazilovich
Siyosiy fanlar nomzodi, dotsent
O'zbekiston Respublikasi

Vasiliy Nikulenko
Tarix fanlari nomzodi, dotsent,
Rossiya Federatsiyasi

Chander Shekhar (Chander Shekhar)
Falsafa doktori, professor,
Hindiston Respublikasi

Mas'ul kotib | Responsible secretary:
To'ychiyeva Ra'no Almatovna
O'zbekiston Respublikasi

PageMaker | Sahifalovchi: Xurshid Mirzahmedov

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000


МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1.Ирисметов Бахтияр НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ ПОЛИТИЧЕСКОГО НА ВОСТОКЕ И ЗАПАДЕ: ОБЩЕЕ И ОСОБЕННОЕ..4	
2.Равшанов Фазлиддин АЛИШЕР НАВОЙНИНГ СИЁСИЙ ҚАРАШЛАРИ.....12	12
3.Акмалов Шаислам ИНДО-ПАКИСТАНСКИЙ АНТАГОНИЗМ: РАСКОЛЬНИЧЕСКАЯ ПОЗИЦИЯ ПРОТИВ ДЕРЖАВНОЙ СТРАТЕГИИ (НА ПРИМЕРЕ АФГАНСКОГО КОНФЛИКТА).....31	31
4.Шакаров Ўктам АДОЛАТЛИ БОШҚАРУВ РЕГЛАМЕНТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА АХЛОҚИЙ ТАМОЙИЛЛАР...39	39
5.Иноятов Кутлуг, Маматов Улугбек ПОРТРЕТЫ АМИРА ТЕМУРА И ТЕМУРИДОВ.....47	47
6.Толипов Фарход РАҚАМЛИ ДЕМОКРАТИЯ ВА РАҚАМСИЗ ДЕМОС.....56	56
7.Мусаев Мансур ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МИССИОНЕРЛИК ВА ПРОЗЕЛИТИЗМНИНГ МАЪНАВИЙ- СИЁСИЙ ТАҲДИД СИФАТИДА НАМОЁН БЎЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ.....65	65
8.Мажидов Шерзод К ВОПРОСУ ОБ ЭТНОПОЛИТИЧЕСКИХ АСПЕКТАХ НАЦИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ.....75	75
9.Кадиров Мирсултон ГЛОБАЛ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ.....82	82
10.Агабаев Шараф ТОЛЕРАНТЛИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ – ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ МУҲИМ МЕЗОНИ СИФАТИДА.....92	92
11.Кувандиков Ильяс ПУТИ БОРЬБЫ С ДЕГРАДАЦИЕЙ ДУХОВНОСТИ В ПЕРИОД ГЛОБАЛИЗАЦИИ.....100	100
12.Расулов Бекзод ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ОЧИҚЛИГИ - ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШ АСОСИ.....108	108
13.Мухтаров Уткиржон ҒАРБ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚАРАШЛАРИ.....114	114
14.Тўйчиева Раъно ОСИЁ-ТИНЧ ОКЕАНИ МИНТАҚАСИ: СИЁСИЙ ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИККА ЭРИШИШДА ИЧКИ ВА ТАШҚИ ОМИЛЛАР ТАЪСИРИ (1990-2010 йиллар).....120	120
15.Курбанова Нодирабегим COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ШАРОИТИДА АХБОРОТ МАКОНИ ВА СИЁСИЙ-ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР.....131	131
16.Нуриддинов Сардор “БИР МАКОН - БИР ЙЎЛ” ТАШАББУСИДА ЎЗБЕКИСТОН-ХИТОЙ ҲАМКОРЛИГИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ.....142	142

KONSENSUS CONSENSUS

Курбанова Нодирабегим Шукуржон кизи,
Илмий тадқиқотчи

COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ШАРОИТИДА АХБОРОТ МАКОНИ ВА СИЁСИЙ-ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-0788-2020-2-15>

АННОТАЦИЯ

Мақолада 2019 йил декабрь ойида Хитойнинг Хубей провинциясидаги Ухан шаҳрида аниқланган, кейинчалик кўплаб мамлакатларга тарқалган янги турдаги коронавирус сабабли вужудга келган вазият ҳамда унинг оқибатлари ижтимоий-сиёсий нуқтаи назардан тадқиқ этилган. Муаллиф COVID-19 пандемияси даврида ахборот маконида тарқалаётган ҳақиқатга тўғри келмайдиган (фейк) маълумотларнинг сиёсий-ижтимоий муносабатларга таъсири масалаларига урғу бериб, Ўзбекистон ҳамда халқаро майдонда юзага келган ҳолатларни ва улар асосидаги тегишли хулосаларни баён қилган.

Калит сўзлар: COVID-19, пандемия, коронавирус, ахборот макони, ОАВ, фейк хабарлар, сиёсий-ижтимоий муносабатлар.

Курбанова Нодирабегим Шукуржон кизи,
Научный соискатель

ИНФОРМАЦИОННОЕ ПРОСТРАНСТВО И ПОЛИТИКО-СОЦИАЛЬНЫЕ ОТНОШЕНИЯ В УСЛОВИЯХ ПАНДЕМИИ COVID-19

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается ситуация, вызванная новым штаммом коронавируса, который был обнаружен в декабре 2019 года в городе Ухань, провинции Хубей КНР, а затем распространился во многие страны, и с социально-политической точки зрения анализируются последствия данной ситуации. Автор подчеркивая влияние ложной информации на политические и социальные отношения, распространяющиеся в информационном пространстве во время пандемии COVID-19, описывает ситуацию, сложившейся в Узбекистане и на международной арене. В конце статьи даны соответствующие выводы.

Ключевые слова: COVID-19, пандемия, коронавирус, информационное пространство, СМИ, фейковые новости, политико-социальные отношения.

Kurbanova Nodirabegim Shukurjon qizi,
Scientific researcher

INFORMATION SPACE AND POLITICO-SOCIAL RELATIONS IN A PANDEMIC COVID-19

ABSTRACT

This article discusses the situation was caused by a new strain of coronavirus, which was detected in Wuhan City, Hubei Province of China in late December 2019, and then was spread to many countries, and analyses the consequences of this situation from a socio-political point of view. The author by emphasizing the influence of fake news on political and social relations, which are spreading in the information space during the COVID-19 pandemic, describes the situation in Uzbekistan and in the international arena. At the end of article there are given the corresponding conclusions.

Keywords: COVID-19, pandemic, coronavirus, information space, mass media, fake news, politico-social relations.

КИРИШ ВА ДОЛЗАРБЛИГИ.

COVID-19 юқумли касаллигини тарқатувчи янги турдаги SARS-CoV-2 коронавируси таҳдиди бутун дунё одамларининг турмуш тарзига бир хил шаклда таъсир кўрсатмоқда. Мазкур вируснинг дунё бўйлаб кенг миқёсда тарқалиб кетиши ҳатто халқаро майдондаги муносабатларни ҳам ўз измига солиб қўйди. Тарихий нуқтаи назардан ёндашганда, COVID-19 ер юзида дастлабки пандемия эмас. Бунгача сайёрамизда вабо, холера, грипп, ОИВ инфекцияси каби қатор пандемия ҳолатлари юз берган. Мана шу тарихий тажриба ва бугунги илм-фан соҳасида эришилган ютуқлар COVID-19 пандемиясига қарши самарали курашга эришишда қўл келмоқда. Лекин ушбу касалликнинг тез фурсатларда жаҳоннинг катта ва кичик ҳудудларига биринма-кетин кириб бориши ҳамда мазкур инфекция билан зарарланганларнинг сони бир зумда ошиб кетиши турли давлатларда таҳликали вазиятни юзага келтирди. Хусусан, 2020 йил 29 апрель ҳолатига кўра [5], дунё бўйича ушбу касаллик билан зарарланганлар сони 3 млн. 116 минг 992 нафарга етган бўлса, улардан соғайганлар 928 минг 930 нафарни, вафот этганлар 217 минг 183 нафарни ташкил этди. COVID-19 пандемияси оқибатида энг кўп зарар кўрган мамлакатлар қаторига АҚШ, Испания, Италия, Франция, Буюк Британия, Германия, Туркия, Россия, Эрон ва Хитой каби давлатлар киритилмоқда. Чунки ушбу ҳудудларда талофатлар катта бўлиб, янги турдаги коронавирус инфекцияси билан зарарланганлар сони бошқа мамлакатларга қараганда кўпчиликни ташкил қилмоқда. Мазкур ҳолатдан кўриниб турибдики, инсоният бугун катта синовли кунларни бошидан ўтказмоқда. COVID-19 пандемияси дунёнинг энг ривожланган мамлакатларини ҳам мушкул аҳволга солиб қўйди. Шунинг учун ҳам COVID-19 XXI асрнинг энг йирик пандемияси сифатида баҳоланиши мумкин.

Мақоланинг мақсади COVID-19 пандемияси шароитида ахборот макони ва сиёсий-ижтимоий муносабатларни тадқиқ этиш ва шу орқали SARS-CoV-2 коронавирус инфекциясининг дунё бўйлаб тарқалиши муносабати билан жорий этилган карантин чекловларининг инсоният ҳаётига таъсири юзасидан тегишли хулосалар олишдан иборат. Сабаби бугунги кунда бутун дунёни бирдек ташвишга солган пандемия келгусида қандай вазиятларни юзага келтириши мумкинлиги ҳамон аниқ эмас.

Шу ўринда, SARS-CoV-2 коронавирус инфекцияси тарқалиши билан боғлиқ маълумотларга қисқача тўхталиб ўтамиз. Маълумки, 2019 йил декабрь охирида Хитойнинг Хубей провинциясидаги Ухан шаҳрида илк бор COVID-19 билан зарарланиш ҳолати аниқланган. 2019 йилнинг 31 декабрида ХХР маъмурияти Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига (ЖССТ) мазкур ҳудудда фанга номаълум касаллик тарқалаётгани ҳақида ахборот берди. Кейинчалик эса янги турдаги коронавирус инфекцияси Хитойнинг барча маъмурий ҳудудларида аниқланди ва секин-асталик билан дунёнинг турли мамлакатларига тарқала бошлади. 2020 йилнинг 30 январида ЖССТ янги турдаги коронавируснинг тарқалишини соғлиқни сақлаш бўйича халқаро аҳамиятга эга бўлган фавқулотда ҳолат деб тан олди. 2020 йил 11 февралда ушбу касаллик “COVID-19” номини олди. Шу йилнинг 11 мартида эса ЖССТ коронавирус пандемиясини эълон қилди. Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистонда коронавирус билан зарарланиш ҳолати илк бор жорий йилнинг 15 март куни қайд этилди.

Айрим илмий манбаларда “пандемия” тушунчаси “нисбий” маънода янги ғоя сифатида “саломатлик” тушунчаси билан “ёнма-ён” қўлланса-да [3, Р.260), ЖССТнинг бу бўйича белгилаган мезони мавжуд (ВОЗ, 2010). Унга кўра, пандемия бутун дунё миқёсида янги турдаги касалликнинг тарқалиши ҳисобланади. Янги вирус дунё бўйлаб тарқалаётган даврда аксарият одамларда унга қарши иммунитет бўлмайди. Натижада, бундай ҳолат катта талофатларни юзага келтириб, инсонлар ҳаётига жиддий хавф туғдиради. Шунинг учун ҳам бундай вазиятларда давлат бошқаруви соҳасида тегишли мутахассислар ҳамда мутасадди органлар иштирокида фавкулотда чоралар қўлланилади. Табиийки, ушбу жараён ўзига хос мураккабликларга эга. Яъни пандемия даврида давлат сиёсати даражасида қўриладиган чоратadbирлар бир томондан инсонлар саломатлигини ҳимоя қилиш имконини берса, иккинчи томонидан давлатлар ҳамда дунё миқёсида бошқа турдаги муаммоларни юзага келтириши мумкин. Хусусан, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий масалалар билан боғлиқ ҳолатлар кескин ва динамик шаклдаги ўзгаришларга дуч келади. Чунки пандемияга қарши кураш жараёнида асосий куч ва ресурслар инсоният ҳаётига таҳдид солаётган муаммога қарши курашиш ва уни бартараф этиш учун сафарбар этилади. Натижада, узоқ ва яқин муддатларга мўлжалланган стратегик аҳамиятга молик сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий масалаларга оид вазифалар табиий равишда иккиламчи ўринга тушиб қолади ва мазкур жабҳалар доирасида юзага келиши мумкин бўлган инқирозларни олдини олиш бўйича зудлик билан янги стратегиялар ишлаб чиқиш зарурати пайдо бўлади. Масаланинг яна бир муҳим жиҳати эпидимиологик вазият ҳукм сураётган пайтда айрим кўштирноқ ичидаги “манфаатдор томон”лар ахборот маконида фаоллашиб, пандемияни турли шахсий мақсадларни амалга оширишда қўл келувчи воситага айлантиришга уруниши ҳолатлари ҳам кузатилади. Айниқса, бугунги шиддатли равишда ривожланган замонавий ахборот технологиялари бундай хатти-ҳаракатларни амалга оширишда катта имкониятлар эшигига айланган. Чунки замонавий дунёнинг ўзига хос хусусияти турли минтақадаги инсонларнинг бир-бири билан ҳеч қандай тўсиқларсиз билвосита тезкор мулоқотларга чиқиши мумкинлиги ҳисобланади.

МЕТОДЛАР ВА ЎРГАНИЛГАНЛИК ДАРАЖАСИ.

Ушбу мақолада абстракция, конкретлаштириш ва қиёслаш методларидан фойдаланилди. Мавзу доирасидаги масалаларни ёритишда М.Алберти ва В.Котовио, А.Жадад, Г.Маддалена ва Г.Гири, А.Соловьев, И.Ивахнюк ва шу каби бошқа тадқиқотчиларнинг илмий асарларига мурожаат қилинган.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ.

Биламизки, эзгу мақсадлар йўлида яратилган замонавий тамаддун хосилаларидан инсоният иложи борича ижобий мақсадларда фойдаланишга ҳаракат қилмоқда ва илғор натижаларга эришмоқда. Бунга одамларнинг турмуш тарзини янада яхшилаш ва энгиллаштиришга қаратилган турли соҳаларнинг интеграциялашуви асосида фан ва технологиялар доирасида олиб борилаётган илмий изланишлар, янгидан-янги кашфиётлар мисол бўла олади. Лекин юқорида таъкидланганидек, айрим шахслар технологик ютуқларни бошқа йўлларда ҳам қўллайдилар. Г.Маддалена ва Г.Гилилар таъбири билан айтганда, “post-truth” (пост-ҳақиқат) концепцияси аслида боғбонлар сув қуйиб, етиштирадиган дарахтларнинг пишган ва захарли мевасидир. Уларнинг айримлари эзгу мақсадларни, айримлари салбий мақсадларни кўзлайдилар, бошқалари эса қилаётган хатти-ҳаракатларининг оқибатларини тўлиқ тушуниб етмайдилар [7, Р.3].

Маълумки, “пост-ҳақиқат” тушунчаси жамоатчилик фикрини шакллантириш жараёнида объектив фактлардан кўра, ҳиссиётлар ва шахсий эътиқодларга мурожаат қилувчи маълумотларнинг аҳамияти ошган ҳолатларни англатади. Инсонларнинг ҳиссий ва шахсий эътиқодларига қаратилган, замирида ёлғон ва сохта маълумотлар яширинган хабарлар эса бугунги кунда “fake” (қалбаки) деб аталмоқда. ХХI асрнинг дастлабки 20 йиллиги Маккуори луғатида таъкидланганидек, “ёлғон контентни шакллантиришнинг қизиқарли эволюцияси”ни кўрди. Ушбу эволюция глобаллашув ва рақамли инқилоб билан ўзаро боғлиқ. Чунки ушбу бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлган жараёнлар ёлғон ҳамда манипуляцияни асосан 3 жиҳатини кучайтирди. Яъни ёлғонларнинг тарқалиш қамрови кенглиги ва одамларни алдаш,

ижтимоий тармоқларнинг ривожланиши ҳамда ахборот технологияларининг юқори тезлигига эришилиши натижасида жамоатчилик фикрига янада кучлироқ таъсир этиш имкони вужудга келди. Бу, ўз ўрнида, ёлгон ахборотнинг алоқа тизимларида янада кўп ва тез айланишига замин яратди. Бугунги кунда сохта маълумотларнинг келиб чиқиш манбаини ҳақиқийлигини текшириш ёки рад қилиш жуда мушкул. Масаланинг мураккаб жиҳати сохта янгиликлар зудлик билан рад этилса-да, дунё бўйлаб бир неча бор тарқалиб, ҳалокатли оқибатларга олиб келади [7, P.4].

Эпидимиологик вазият инсон ҳаёти билан бевосита боғлиқ жараён бўлганлиги боис янги турда тарқалган касаллик ҳақидаги маълумотлар барчани бирдек қизиқтиради. Айниқса, инфекциянинг тарқалиш миқёси кенгайиб бораётган жараёнда номаълум касаллик ҳақидаги расмий маълумот камлиги одамлар орасида турли миш-мишларни пайдо бўлишига олиб келади. Таъкидлаш жоиз, одатда миш-мишлар ижтимоий хавотир кучайган, фавқулотда вазиятлар юзага келган пайтларда тез оммалашади. Масаланинг хавfli жиҳати шундаки, жамиятларда ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларнинг кенг тарқалиши сиёсий, ижтимоий хавфларни юзага келтиради. Айниқса, фавқулотда ҳолатнинг назоратини олиб борувчи давлат бошқаруви даражасидаги тизимга бундай вазият жиддий таъсир қилиши ва аҳоли ўртасида расмий маълумотларга нисбатан шубҳа уйғониши мумкин. Масалан, COVID-19 юқумли касаллигини чақирувчи SARS-CoV-2 вируси янги турдаги инфекция бўлганлиги боис уни тадқиқ этиш ишлари тегишли муддатларни талаб этди. Унинг пайдо бўлиши сабаблари юзасидан даставвал аниқ бир илмий тўхтамга келинмаганлиги коронавирус ҳақидаги турли миш-мишларнинг дунё бўйлаб тарқалишига олиб келди. Натижада йирик давлатларнинг расмийлари бир-бирларини ушбу инфекцияни биологик қурол сифатида яратганликда ёки ушбу вируснинг кескин равишда ўз аҳолиси ўртасида кенг тарқалаётгани ҳақида дунё жамоатчилигига вақтида маълумотлар бермаганликда айблаши ҳолатлари тўғрисидаги хабарлар оммавий ахборот воситалари орқали тарқалди ва ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама қилинди [6; 17]. Таъкидлаш лозимки, COVID-19 пандемияси муносабати билан эълон қилинган карантин даврида ҳақиқатга тўғри келмайдиган хабарларнинг авж олиши Ўзбекистон миқёсида ҳам кузатилди. Бу ҳақда куйида тўхталиб ўтамыз.

Маълумки, миш-мишларга асосланган ёлгон хабарларни тарқатиш тенденцияси бугун пайдо бўлган феномен эмас. Ушбу ҳодиса даврлар силсиласида тобланиб, эволюцион ўзгаришларга дуч келган ҳолос. Алалхусус ўтмиш одамлар орасида тарқалган сохта хабарларнинг салбий оқибатларига кўп маротаба гувоҳ бўлган. Шоҳ Машраб, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Нодирабегим ва шу каби бошқа тарихий сиймоларнинг тақдирларидаги машъум воқеаларда ҳам айнан сохта маълумотлар катта ўрин тутгани тарихдан маълум. Бундай тақдирлар нафақат Шарқ мамлакатлари, балки Ғарб давлатлари ўтмишида ҳам кўп учрайди [7, P. 2-3].

Инсон табиатан ҳаётни ҳиссий кечинмалар асосида англаб боради. Жамиятнинг янги ҳис-туйғулар асосида ривожланиб бориши эса рад этиб бўлмайдиган феномен ҳисобланади. Инсон туғилиши билан барча ҳисларни дарров англаб етмаса-да, оила ёки дўстлар орасидаги муносабатлар ва ҳатто оммавий ахборот воситалари ёки оммавий коммуникация воситалари орқали узатиладиган ахборотлар ёрдамидаги ижтимоийлашув жараёнида уларни секин-асталик билан ўзлаштириб боради. В.Л. Бозаджиевнинг фикрига кўра, “Ҳиссиёт манипуляциянинг муҳим объектларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Ҳиссиёт кўпроқ ҳараткатчан, мослашувчан характерга эга бўлиб, С.Кара-Мурза эътироф этганидек, уни жунбушга келтириш уддаланса, фикрлаш жараёнини манипуляция қилиш ҳам осон кечади. Гап шундаки, ҳиссиёт фикрлашдан кўра, ташқи дунёга яқинроқ. Шунинг учун ҳам унга тезроқ ва тўғридан-тўғри таъсир этиш осонроқ кечади. Бундан ташқари ҳиссиёт орқали “занжир реакцияси”ни – ҳиссиётларни юқтириш ва уларнинг эпидемиясини ҳосил қилиш осон [11]. Шу боисдан ҳам одатда ахборот маконида “пост-ҳақиқат” концепцияси ҳукм сураётган пайтда қўлланиладиган “fake” хабарлар ижтимоий оммани ўзига кўпроқ жалб этади ва осонликча одамларнинг ишончига қиради. Аксиологик нуқтаи назардан қараганда,

бу ҳолат объектив аҳамиятга молик бўлган фактлар ва воқеликлардан кўра, субъектив моҳиятга эга ҳиссиёт, баҳо ва шахсий эътиқоднинг устунлигини ифодалайди. А.Увейс, А.Алван, И.Гарсиялар сохта хабарларни ҳокимият тузилмаларига ёрдам бериш ёки зарар етказишга қодир, шунингдек, бир вақтнинг ўзида ҳам агрессорга, ҳам курбонга қўлланишилиши мумкин бўлган икки қиррали қиличга ўхшатадилар [9, P.29]. Бир қарашда, ушбу ёндашув ўта ваҳимали. Лекин аслида, ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар ижтимоий фикрни осонлик билан бошқара олиш қудратига эга. Бу эса, ҳар қандай жамият учун катта хатарни ифодалайди.

Таъкидлаш лозимки, сўнгги ўн йилликда рақамли медиа маконда фейк хабарлар кескин равишда оммалашиб кетганлиги боис бугунги кунда дунё ҳамжамияти ушбу ҳодисага қарши кураш чораларини изламоқда. Ҳатто ёшларга таълим беришда танқидий фикрлаш ва ахборот маданиятини шакллантириш борасида дунё олимлари ва педагоглари ўртасида баҳсли ёндашувларни учратиш мумкин [8, P.94]. Шунинг учун ҳам ҳар бир давлат ахборот маконини салбий маълумотлардан ҳимоя қилиш борасида ўзининг ички ва ташқи сиёсатини амалга ошироқда. Буни айнан COVID-19 пандемияси даврида миллий ва халқаро даражада қўлланган методлар мисолида ҳам кузатишимиз мумкин. Масалан, ЖССТнинг эпидемиялар бўйича маълумотлар тармоғи (EPI-WIN) тадқиқотлар олиб бориш бўйича ҳамкорлар билан биргаликда рақамли мультимедиадан фойдаланган ҳолда мавзу доирасида ҳафталик таҳлилларни амалга оширишга қаратилган инновацион ғояни илгари сурди. Ушбу ғоя рақамли медиа маконда тарқалаётган COVID-19 пандемияси билан боғлиқ барча турдаги чалғитувчи манбалар – нашрлар, тавсифловчи материалларни аниқлаш ва муаммоли соҳалар ҳамда ахборот бўшлиқларини прогнозлаш имконини яратди. Мазкур новаторлик ишининг бош мақсади ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар вирусга айланиб, дунё ҳамжамиятига зарар етказмасидан олдин, ахборот бўшлиқларини ишончли далиллар ва манбалар билан тўлдириш учун ЖССТга рақамли мультимедиа тармоқларидаги маълумотлар юзасидан таҳлилий материаллар тақдим этишдан иборат бўлди (World Health Organization, 2020). Бундан ташқари, пандемия даврида сохта маълумотлар кўпайиб кетмаслигини олдини олишга “Google” қидирув тизими ҳамда “Facebook” ижтимоий тармоғи салмоқли ҳисса қўшди. Улар тармоқда тўғри ва сохта ахборотларни саралаб, салбий ҳолатларни бартараф этиш хизматини йўлга қўйди. Дунёнинг турли мамлакатлари эса короновирус билан боғлиқ вазият юзасидан ишончсиз маълумотларга қарши курашиш бўйича давлат сиёсати даражасидаги чора-тадбирларни амалга оширди. Ўзбекистоннинг бу борадаги тажрибаси фикримизга далил бўла олади. Мамлакатда короновирус билан касалланган илк бемор аниқланиши билан давлат миқёсида жиддий чоралар кўрилди. Давлат сиёсати даражасидаги дастлабки вазифалардан бири аҳолини мавжуд вазиятдан ўз вақтида, сифатли хабардор қилиб бориш ва ахборот маконини салбий ҳолатлардан муҳофаза қилиш масаласи бўлди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ҳамда Миллий масс-медияни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида “Телеграм” ижтимоий тармоғида “Koronavirus Info” расмий канали, алоқа учун “@bot_askcoronauz” боти ҳамда ишонч телефонлари ва “coronavirus.uz” сайти ишга туширилди. Бундан ташқари, “CV Chat”, “AntiFake.uz” ҳамда барча даражадаги давлат бошқаруви органлари телеграм каналлари ва бошқа ижтимоий тармоқлар, Республикада фаолият юритувчи барча оммавий ахборот воситалари орқали короновирус инфекцияси билан боғлиқ вазият юзасидан тегишли ахборотлар бериб борилди. Мавзу бўйича аҳолини қизиқтирган саволларга расмий маълумотлар тақдим этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан мутасадди идоралар вакиллари иштирокида оммавий ахборот воситалари учун брифинглар ташкил этилди. Брифинглар “Uzreport” ҳамда “Ўзбекистон 24” телеканаллари орқали мунтазам равишда трансляция қилиб борилди. Бундан ташқари, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ахборотларни тарқатаётганларни аниқлаш ва уларнинг хатти-ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш юзасидан тегишли механизмлар яратилди. Муҳими

давлат раҳбари томонидан пандемия шароитида фуқароларга вазият юзасидан бир неча марта мурожаат қилиниши фуқароларнинг расмий манбаларга бўлган ишончини янада мустаҳкамлади. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, миллий ва халқаро миқёсда амалга оширилган самарали чора-тадбирларга қарамасдан COVID-19 пандемияси даврида сохта, ҳақиқатга зид маълумотларни тарқатиш билан боғлиқ тартиб бузарлик ҳолатлари учраб турди. Масалан, дунё миқёсида коронавируснинг биологик қурол эканлиги ёки дунёни бошқарувчи глобал лидерлар томонидан одамларни манипуляция қилиш учун ўйлаб топилган уйдирма эканлиги ҳақидаги шубҳали хабарлар тарқалди.

Пандемиянинг бошланғич босқичида, айниқса, Европада касалликни олдини олиш бўйича берилган тавсияларга ва ҳатто ҳукумат томонидан эълон қилинган фармонларга ҳам одамлар салбий кайфиятда ёндашиб, уларга итоат қилишни хоҳламаганликлари кузатилди. Алберь Камю “Вабо” асарида айтганидек, “Қандай қилиб улар бир вақтнинг ўзида келажакни, барча сафарлар ва низоларни бекор қиладиган вабога ишонишлари мумкин? Улар ўзларини озод деб ҳисоблашган, лекин табиий офатлар мавжуд экан, ҳеч ким ҳеч қачон эркин бўлмайди”. Мана шундай мулоҳазаларга таянган ҳолда А.Кортунов COVID-19 пандемияси даврида дунё бўйлаб ахборот маконида юзага келган ҳолатларни қуйидагича тасвирлайди. “Инфантил оптимистлар хизматиға вазиятни драмалаштирмасликка чақирувчи экспертлар армияси ишга тушди. Уларнинг таъбирига кўра, янги вирус пандемияси оқибатида оламдан ўтаётганларнинг сонини ҳар куни сил касаллигидан вафот этадиганлар сонига қиёслаш мумкин; бугунги кунда сайёрада оддий грипп ҳам коронавирусдан кўра кўпроқ ўлимга сабаб бўлади; Қўшма Штатларда автоҳалокатлар кунига юздан ошиқ одамларнинг ҳаётига зомин бўлади, лекин ҳеч ким Америкада шу сабаб билан автоуловларнинг ҳаракатини тўхтатиб қўймайди...” [15].

Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Бундай ахборотларни глобал миқёсда тарқалишига сабабчи бўлган шахсларни, эксперт деб атаб бўладими? Бизнингча йўқ. Чунки “эксперт” тушунчаси бир вақтнинг ўзида муайян соҳани мукамал ўрганиш ва унда фаолият юритишни ифодалаши баробарида шахснинг шуғулланаётган касби доирасидаги масъулиятини ҳис этишини ҳам англатади. Сиёсий нуқтаи назардан эса, барча жипслашиб, келган офатга қарши курашиши лозим бўлган пайтда чалғитувчи хабарларни тарқатиш ёки умуман, давлатлар ва халқаро миқёсдаги сиёсий, ижтимоий вазиятларни чигаллаштириш билан шуғулланадиган шахсларга нисбатан А.Соловьев қўллаган “стейкхолдер”лар тушунчасини ишлатиш масаланинг моҳиятини кенгроқ очиб беришга ёрдам беради. А.Соловьевнинг фикрига кўра, “Бугунги кунда кўплаб давлат бошқаруви институтлари фаолиятида қарорлар қабул қилиш жараёнларига ресурсларга бой бўлган стейкхолдерларнинг норасмий босими ортиб бормоқда. Маъмурий тўсиқларни осонликча ёриб ўта олаётган контрагентларнинг бундай тизимли таъсири натижасида вақт ўтиши билан расмий тузилмалар ва хусусий бирлашмалар эгалари ҳамда йирик жамоат ресурсларининг бирлашишини англатувчи “қоришма институтлар” феномени вужудга келмоқда, яъни ҳокимият органлари ҳамда тармоқдаги сиёсий-маъмурий коалициялар ўртасида мустаҳкам кластер шаклланимоқда” [18, С.8].

“Стейкхолдерлар” термини тизим ёки унинг хусусиятларига тегишли манфаатларини ҳимоя қилиш ёки ўз талабларини қўйиш ҳуқуқига қисман эга бўлган ва бунга қизиқиш билдириб, иштирок этаётган томон манфаатлари ва умидларини ифодаловчи жисмоний шахс ёки ташкилотни англатади. Шу нуқтаи назардан манфаатдор томонларнинг мақсадларини ўз вақтида аниқлаш, уларнинг эҳтиёжлари ва истакларини тушуниш, истаклари ва ғояларининг реал воқелик билан боғлиқлигини аниқлаш ва акс натижа олинганда уларнинг ечимини топиш жуда муҳим ҳисобланади.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикасида COVID-19 пандемияси даврида тарқалган ҳақиқатга тўғри келмайдиган ахборотларга тўхталиб ўтамиз. Ушбу даврда ижтимоий тармоқлар ҳамда “Телеграм” каналларида мушук ва бошқа уй ҳайвонлари коронавирус инфекцияси ташувчиси эканлиги, қайнаган сув пари инсон организмда коронавирус инфекциясини бутунлай ўлдириши, Россия коронавирус дезинфекцияси учун кучли

радиация тўлкинидан фойдаланиши муносабати билан мобиль телефон ва бошқа курилмаларни ўчириб қўйиш лозимлиги, америкалик фантаст ёзувчиси Дин Кунц ўз китобида коронавирус эпидемиясини 40 йил аввал башорат қилиб қўйгани, хориждаги ўзбекистонликларни Ўзбекистонга мажбурий тарзда қайтариб олиб келиш бўйича сўнгги чартер рейслар 10 апрель санасига белгиланганлиги ҳақидаги сохта хабарлар тарқатилди. Бундан ташқари, айрим расмий интернет нашрлари номидан ҳам сохта маълумотлар эълон қилиниши ҳолатлари ҳам кузатилди. Жумладан, Kun.uz интернет нашри номидан 2020 йил 9 апрель куни бўлиб ўтган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 13 майдан карантин тугатилиб, ўқишлар бошланиши, чегаралар очилиб, экспорт давом этиши тўғрисида ҳақиқатга зид ахборот тарқатилди [2].

Бироқ таъкидлаш лозимки, COVID-19 пандемияси шароитида ахборот маконида тарқалган бундай хабарлар мамлакатнинг сиёсий ҳамда ижтимоий ҳаётига салбий таъсир этмади. Аҳоли ўртасида ваҳима кайфияти устунлиги кузатилмади. Аксинча, фуқаролар ушбу мураккаб вазиятда ўзларининг мустахкам сиёсий позицияларини намойиш этиб, давлат бошқаруви органлари томонидан қабул қилинган тартиб ва қоидаларга риоя қилдилар. Коронавирус инфекцияси мамлакатга кириб келиши билан давлат расмийлари томонидан ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар ҳамда фуқароларнинг юксак сиёсий маданиятни намоеён этганликлари сабабли 2020 йил 1 май ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикаси пандемияни енгишда самарали натижаларга эришди, десак муболаға бўлмайди. Албатта, инфекциядан бутунлай қутилиш борасида сўз очишга хали бир оз эртадир. Чунки ушбу янги турдаги коронавирус назоратининг барқарорлигини таъминлаш мушкул вазифа. Сўнгги кунларда Ўзбекистонда кузатилаётган вазият ушбу фикрнинг нечоғли ҳақиқат эканлиги кўрсатмоқда (2020 йил 24 июнь ҳолатига кўра, Инфекция юқтирганлар 6847 нафарга етди). Қолаверса, мазкур вируснинг барча хусусиятлари фан учун хануз номаълумлигича қолмоқда. Лекин айни дамдаги вазият бу борада ижобий прогнозлар қилиш имконини бермоқда.

Ўзбекистоннинг эпидимиологик вазиятни енгиш борасида эришган натижаси пандемия шароитида мамлакат миқёсидаги дастлабки ғалабалари учқуни деб баҳолаш мумкин. Сабаби коронавирус инфекциясига қарши курашиш юқорида таъкидлаганимиздек, давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий аҳамиятга эга муҳим стратегик режаларига кучли зарба берди. Хусусан, пандемия шароитида ҳамда Ўзбекистон аҳолисининг 3-4 фоизини ташкил этувчи камбағал қатламнинг аҳволи янада оғирлашиши ёки ишсизлик даражаси ошиб кетишининг олдини олиш ва озик-овқат хавфсизлигининг барқарорлигини таъминлаш каби ижтимоий масалалар бирламчи вазифага айланди. Бундан ташқари, мамлакатнинг ташқи қарзлари кўпайиши билан боғлиқ ҳолат келгусида иқтисодий, ижтимоий инқирозларга замин яратмаслиги учун узокни кўзловчи мустахкам давлат сиёсатини ташкил этиш талаб этилади.

Таъкидлаш жоиз, COVID-19 пандемияси нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё мамлакатларига ҳам шундай синовли вазиятларни юзага келтирди. Масалан, 2020 йил 23 март ҳолатига кўра, Американинг “RAND corporation” нодавлат нотижорат ташкилоти бош иқтисодчиси Говард Дж.Шац таъкидлашича, пандемия оқибатида АҚШда “Кичик корхоналар кўпроқ зарар кўриши мумкин. Одатда уларнинг даромад меъёрлари жуда заиф ва молиялаштириш имкониятлари энг кам миқдорни ташкил этади. Агар йирик компанияларнинг фаолияти қисқара бошласа, улар кичикроқ таъминотчилардан маҳсулот сотиб олишни тўхтатиши ёки тўловларни кечиктиришлари мумкин. Қўшма Штатлардаги ишчиларнинг қарийб 33 фоизи 100 кишилик ишчи ўринларига эга фирмаларда фаолият юритади”. Шу нуқтаи назардан мазкур ташкилотнинг бош тадқиқотчиси Дебра Кнопман “Копитолий” мамлакатда юзага келиши мумкин бўлган ижтимоий инқирозни олдини олиш учун 1,8 трлн. доллар ҳажмда маблағ ажратишни таклиф этаётганини ва ушбу маблағни “Жисмоний шахсларга тезкор ёрдам кўрсатиш мақсадида фаолияти тўхтаб қолган корхоналар харажатлари учун 350 миллиард доллар, бошқа корхоналар учун 500 млрд. доллар миқдордаги маблағларни биринчи навбатда кредит қафолатлари ва қатор бўлак чора-тадбирлар асосида” тақсимлаш лозимлиги тўғрисидаги фикрни илгари сураётганини

таъкидлайди. Унинг фикрига кўра, бундай ёндашув, “Шунчаки жисмоний шахслар ва кичик корхоналар учун пул маблағлари бўйича зудлик билан ликвидлик инъекциясини амалга ошириш имконини беради” [4].

Албатта, COVID-19 пандемияси шароитида юзага келадиган бундай вазиятларни дунёнинг деярли барча минтақаси мисолида кўриб чиқиш мумкин. Лекин масаланинг яна бир мураккаб жиҳати пандемия нафақат локал, балки глобал миқёсдаги муаммоларга сабаб бўлмоқда. Таъкидлаш жоиз, COVID-19 пандемияси юзага келтирган ушбу кенг миқёсли муаммолар глобаллашув жараёни билан бевосита боғлиқ бўлса-да, унинг узоқ даврлар мобайнида устунлик қилиб келган ҳоссага зид хусусиятни ифода этмоқда. Яъни олдинлари глобаллашув жараёнининг ютуқ ва муаммолари хусусида сўз борганда, барча соҳалар бўйича минтақаларо интеграциянинг ривожланиши ҳамда унинг ўнг ва сўл томонлари муҳокама қилинар эди. Эндиликда эса, SARS-CoV-2 коронавирус инфекцияси сабабли дунёнинг умумийлиги билан боғлиқ мезон иккига бўлинди. Яъни дунё вирус таҳдиди олдида бир хил вазиятда бўлгани билан уни енгиш учун ҳар бир минтақа ўзини ўзи изоляция қилишга мажбур бўлди. Глобаллашув узоқ даврлар мобайнида дунё минтақаларини бир-бирига яқинлаштириб келган бўлса, эндиликда кўзга кўринмас умумий таҳдид орқали уларнинг масофаларини муайян муддатга узоқлаштирди. Бу ҳолат нафақат мамлакатларо муносабатлар, балки инсонлар ўртасида ҳам рўй берди. Коронавирус инфекцияси инсонларо мулоқотда ҳам ижтимоий масофани сақлашни талаб этди.

Биламизки, COVID-19 пандемияси оқибатида транспорт ва туризм энг кучли иқтисодий зарбани олган соҳалар бўлди. Ушбу ҳолат эса, ўз ўрнида, коронавирус эпидемияси шароитида халқаро аҳамиятга молик бўлган яна бир муҳим ижтимоий масаланинг нозик томонларини очиб берди. Яъни SARS-CoV-2 коронавирус инфекциясининг дунё бўйлаб оммавий равишда тарқалиб кетиши таҳдиди миграциядаги одамлар ва қочоқлар билан боғлиқ қатлам тақдирини қийин аҳволга солиб қўйди. Бундан ташқари, мазкур масала глобал миқёсда мамлакатлар зиммасига уларнинг саломатлигини сақлаш борасидаги улкан масъулиятли вазифаларни юкледи. Маълумки, ЖССТ мигрантлар ва қочоқларнинг саломатлиги жамоатчилик соғлиқлигини сақлаш тизимининг ажралмас қисми бўлиши лозимлиги ҳақидаги инсонпарвар ва прагматик ёндашувни илгари суради: “Саломатлик ҳуқуқи инсоннинг асосий ҳуқуқи ҳисобланади. Профилактика, даволаш ва паллиатив ёрдам олиш ҳуқуқи ва саломатлик борасидаги дастлабки ижтимоий шароит инсоннинг асосий ҳуқуқлари бўлиб, у 1966 йилда қабул қилинган Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт билан мустаҳкамланган (30)” (ЖССТ, 2018). Бироқ таъкидлаш лозимки, пандемия шароитида ушбу инсонпарвар ёндашувга тўлиқ амал қилиш масаласи қатор иқтисодий, ижтимоий вазиятлар билан бевосита боғлиқ ҳолат ҳисобланади. Чунки эпидимиологик вазият юқорида айтиб ўтганимиздек, барча мамлакатларнинг иқтисодий аҳолига бирдек таъсир қилди. Ижтимоий нуқтаи назардан эса, барча минтақаларда соғлиқни сақлаш тизимларида иш ҳажми ҳаддан зиёд ошиб кетди. Бундан ташқари, бошқа мамлакат фуқаролари – туристлар, мигрантлар ва қочоқларнинг муайян ҳудудда яшаши билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларини тартибга солиш масаласи одатий турмуш тарзига қараганда анча чигаллашиб қолди. Лекин шунга қарамай, ушбу масалалар борасида нисбатан ижобий намуна кўрсатган мамлакатлар ҳам бўлди [14, С.53]. Мисол учун, CNN хабарига кўра, Португалия ўз ҳудудида бўлиб турган ва фуқаролик ёки вақтинчалик яшаш учун руҳсат олиш бўйича ариза билан мурожаат қилган барча хориж фуқароларига “вақтинчалик фуқаролик” статусини берди. Мазкур чора-тадбир орқали коронавирус пандемияси шароитида муҳожирларга мамлакат соғлиқни сақлаш хизматларидан тўлиқ фойдаланиш имкониятини бериш назарда тутилди [14, С.53; 1].

Масаланинг муҳим жиҳати COVID-19 пандемияси шароитида ахборот маконида тарқалган ахборотлар орасида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар тарқалиши билан боғлиқ салбий ҳолатлардан ташқари, турли даражадаги миллий ва глобал муаммоларни очиб берувчи ижобий ҳолатлар ҳам кузатилди. Айниқса, турли сабабларга кўра, ватанидан ташқарида бўлган фуқароларнинг пандемия даврида тушиб қолган вазиятлари ҳақидаги

ахборотларнинг тезкор равишда тарқатилиши, кўплаб одамларнинг оғирини енгил қилинишига сабаб бўлди. Ахборот маконида мухожирлар ҳаёти билан боғлиқ маълумотларни тарқатишда оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлардаги турли каналлар, гуруҳлар ҳамда блогерлар жонбозлик кўрсатишди. Коммуникация имкониятлари ушбу муҳим ижтимоий масала билан боғлиқ миллий ва глобал миқёсдаги бошқарув тизимининг фавқулотда вазиятлар ҳолатида нечоғлиқ заиф бўлиб қолиши эҳтимоли мавжудлигини ва алалоқибат мазкур тажрибадан келиб чиқиб, эпидимиологик ҳолатларда мигрантлар, туристлар ва қочоқлар тақдирини ижобий ҳал этилишини назарда тутувчи янги стратегия ва концепцияларни ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатиб берди.

ХУЛОСАЛАР.

Бугунги кунда кўплаб мутахассислар COVID-19 пандемиясидан сўнг қандай ўзгаришлар рўй бериши ҳақида бош қотирмоқдалар [14, С.52; 16; 19, 34-47]. Хусусан, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, халқаро муносабатларда ҳамда инсонларнинг руҳий оламида рўй бериши мумкин бўлган ўзгаришлар ҳақида прогнозлар бермоқдалар. Мақоланинг дастлабки саҳифасида таъкидлаганимиздек, дунё эпидемиологик вазият билан илк бор тўқнаш келгани йўқ. Шу нуқтаи назардан пандемиядан кейинги ҳаёт қандай бўлиши ҳақидаги мулоҳазалар авж олган. Чунки ўтмиш тажрибасидан маълумки, ҳар бир эпидемия ўзидан кейин дунё тафаккурига жиддий таъсир этган. Бундай мулоҳазалар орасида олам эндиликда янада рақамлашиб, инсоният ҳаёти ахборот технологияларига буткул боғланиши, таълим, туризм ва кўплаб хизмат турлари масофавий фаолиятга ўтиши ёки халқаро муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатлари қайта кўриб чиқилиши мумкинлиги ҳақидаги прогнозларни бермоқдалар. Масалан, И.Ивахнюк пандемиядан сўнг миграция борасидаги меъёрлар янада қатъийроқ тус олишини башорат қилмоқда. Унинг фикрича, миграцияга қарши сўллар партияларнинг позициялари мустаҳкамланмоқда. Карантин якунига етганда эса, миграция масалалари доирасида 2018 йилги шартномага имзо қўйган 152 мамлакатлар коронавирус сабабли шартли равишда ўзаро ўрталарига “тўсиқлар” қўйишга мажбур бўладилар [14, С.52]. Прогнозлар, албатта, турлича. COVID-19 пандемияси шароитида юзага келган ҳолатлар таҳлилидан келиб чиқиб, биз куйидаги хулосаларни илгари сурамиз.

Сиёсий-ижтимоий масала. Пандемия дунёни буткул ўзгартира олмайди. Айниқса, узоқ даврлардан буён шаклланиб келган сиёсий-ижтимоий муносабатлар тизимини вақтинчалик фавқулотда ҳолат бирданига парчалаб юбора олмайди. Лекин глобал миқёсда бутун дунёга ўз таъсирини ўтказган вазият сифатида ушбу муносабатларнинг трансформациялашувига сабаб бўлади. Хусусан, давлат бошқаруви ва хизмат кўрсатиш, таълим, тиббиёт каби йўналишларда замонавий ахборот технологияларини қўллаш эҳтиёжи ортади. Натижада, “Big data” – катта ҳажмли маълумотлар билан ишлаш технологиялари ривожланган мамлакатларда янада тараққий этади, ривожланаётган мамлакатларда эса, уларни амалиётга жорий этиш суръати ошади. Демак, ер юзида коронавирус устидан қозонилган ғалаба рақамли технологияларнинг янада шиддат билан ривожланишига олиб келади. Шунингдек, дунё миқёсида илм-фан ҳамда инновацияларга эътибор янада ортади. Одамлар ҳулқ-атворидаги айрим одатлар ўзгариши мумкин, лекин уларнинг ижтимоийлашув жараёнида орттирган кадрятлари ва стереотиплари йўқолмайди.

Иқтисодий масала. Пандемиянинг дунё иқтисодиётига кучли таъсири натижасида мазкур соҳада динамик ўзгаришлар юз бериши ва инқирозли вазиятлар юзага келиши мумкин. Ушбу ҳолат глобал миқёсда тус олиши натижасида иқтисодиёт тармоқларида янгича ёндашувга асосланган субъектлар фаолиятига эҳтиёж ошади. Рақамли иқтисодиёт имкониятлари асосида карантин даврида бой берилган ресурсларни қайта тиклаш чоралари кўрилади. Шу нуқтаи назардан пандемиядан кейинги давр ахборот технологиялари ривожланишининг янги босқичи бўлади, деган гепотезани илгари сурсак бўлади. Бироқ иқтисодиётда юзага келиши мумкин бўлган инқироз мамлакатлараро муносабатларда жиддий ўзгаришларга сабаб бўлиши мумкин. Масалан, соҳа доирасида давлатлар ўртасида имзоланган битимларга янгича ёндашувларга асосланган ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Халқаро ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ масалалар ҳам кун тартибининг

муҳим мавзусига айланиши эҳтимолдан холи эмас. Чунки COVID-19 пандемияси бутун дунёдаги барча тузилмаларнинг иқтисодий барқарорлигига зарба берди.

Ахборот макони. COVID-19 пандемияси шароитида юзага келган вазият бугунги кунда инсоният ҳаёти коммуникация технологиялари билан нечоғлик узвий боғлиқ эканлигини кўрсатиб берди. Карантин даврида кун давомида ҳамроҳ бўлган коммуникация воситалари одамларга янги малакаларни ошириш ҳамда яширин қобилиятларини намоён қилиш имкониятини берди. Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий тармоқлардаги маълумотлар алманишуви савиясига қисман таъсир қилди. Бундан ташқари, пандемия ахборот маконида оммавий ахборот воситалари фаолияти муҳим ўринга эга эканини кўрсатиб берди.

Иқтибослар/Сноски/References

- [1] Alberti, M. & Cotovio, V. (2020). Portugal gives migrants and asylum-seekers full citizenship rights during coronavirus outbreak. <https://edition.cnn.com/2020/03/30/europe/portugal-migrants-citizenship-rights-coronavirus-intl/index.html>
- [2] AntiFake.uz. (2020). Ўзбекистонда тарқалаётган сохта манбалар бўйича раддиялар (расмий). https://t.me/antifake_uz
- [3] Creating a pandemic of health: What is the role of digital technologies? *Journal of Public Health Policy*. 37(S2), 260–268. <https://doi.org/10.1057/s41271-016-0016-1>
- [4] Jeffrey, H. (2020). The Economic Wallop of COVID-19: Q&A with RAND Experts. The RAND blog. <https://www.rand.org/blog/2020/03/the-economic-wallop-of-covid-19-qa-with-rand-experts.html>
- [5] Koronavirus Info. (2020). Дунёда коронавирус билан боғлиқ вазият (статистик маълумот). <https://t.me/koronavirusinfouz>
- [6] Leng Shumei. (2020). US urged to explain military lab shutdown. *Global Times*. <https://www.globaltimes.cn/content/1182694.shtml>
- [7] Maddalena, G. & Gili, G. (2020). What Are We Talking About? (The History and Theory of Post-Truth Communication. Book, Chapter 1). 1-9-pages.
- [8] Maddalena, G. & Gili, G. (2020). Cultivating Critical Thought. (The History and Theory of Post-Truth Communication. Book, Chapter 5. 2.1.). 95-97-pages.
- [9] Weiss, A.P. Alwan, A. Garcia, E.P. et al. Surveying fake news: Assessing university faculty's fragmented definition of fake news and its impact on teaching critical thinking. *International Journal for Educational Integrity*. 16(1). 30 P.
- [10] Соғлиқни сақлаш ташкилоти (2020). Коронавирус касаллиги 2019 (COVID-19) Вазият юзасидан ҳисобот – 100 (инглиз тилида). / https://www.who.int/docs/default-source/coronaviruse/situation-reports/20200429-sitrep-100-covid-19.pdf?sfvrsn=bbfbf3d1_6
- [11] Бозаджиев В.Л. (2015). Политические эмоции и чувства. In *Политическая психология. Россия: Академия Естествознания. Электронная монография*. <https://monographies.ru/ru/book/section?id=8230> (дата обращения к источнику 06.2019).
- [12] Всемирная организация здравоохранения. (2010). Глобальное предупреждение и ответные действия (GAR): Что такое пандемия? https://www.who.int/csr/disease/swineflu/frequently_asked_questions/pandemic/ru
- [13] Всемирная организация здравоохранения. (2018). Доклад о здоровье беженцев и мигрантов в Европейском регионе ВОЗ. UN. Retrieved from <https://apps.who.int/iris/bitstream/handle/10665/311368/9789289053969-rus.pdf?sequence=1&isAllowed=y> (дата обращения к источнику 03.05.2020).
- [14] Ивахнюк Ирина В. (2020). Пандемия коронавируса бросает вызов мигрантам в мире и в России. *Население и Экономика*, (4(2)), 49–45.
- [15] Картунов Андрей. (2020). Коронавирус: новый баг или фича мировой политики? <https://russiancouncil.ru/analytics-and-comments/analytics/koronavirus-novyy-bug-ili-ficha-mirovoy-politiki/>

[16] Куприянов, А. (2020). Влияние эпидемий на подсистемы международных отношений: уроки истории. <https://russiancouncil.ru/analytics-and-comments/analytics/vliyanie-epidemiya-na-podsistemy-mezhdunarodnykh-otnosheniy-uroki-istorii/>

[17] Салим, С. (2020). АҚШ Давлат котиби коронавирус тарқалишида бош айбдор кимлигини айтди. *Xabar.Uz*. <https://www.xabar.uz/koronavirus/aqsh-davlat-kotibi-koronavirus>

[18] Соловьев, А. (2019). Политическая повестка правительства, или зачем государству общество. *Полис. Политические Исследования*, 17(4), 8–25.

[19] Федосенко Е. В. (2020). Жизнь после карантина: психология смыслов и коронавирус COVID-19. *Психологические Проблемы Смысла Жизни и Акме*, (25), 34–47.

**KONSENSUS
XALQARO JURNALI**

**INTERNATIONAL JOURNAL
OF CONSENSUS**

№2 (2020)

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000